
Қува туманида «Қувноқ стартлар» ўйинларининг маҳалла босқичлари бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш юзасидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, туманда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, айниқса ўқувчи-ёшларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуллантириш самарадорлигини янада ошириш мақсадида тумандаги маҳаллаларда умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида **“Қувноқ стартлар” спорт мусобақасининг маҳалла босқичлари** юқори савияда ташкил этилиб, энг **“Қувноқ”, “Чаққон”, “Эпчил” ўқувчилар жамоалари аниқланмоқда.**

Ушбу мусобақалар орқали ўқувчилар орасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, дўстлик алоқаларини кучайтириш, жамоа бўлиб ҳаракатланиш, ўзига ишонч ҳисларини ошириш мақсад қилинган.

“Қувноқ стартлар” спорт мусобақасининг жорий йилга маҳалла босқичида ҳар бир таълим муассасасида ўқувчи-ёшлар иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган жамоалар туман босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

2023-04-10 21:17:04